

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК
ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИ**

ИИБ Академияси 3-боқич курсанти

Ф.А.Болтаев

Аннотация: Бугунги кунда юртимизда профилактика инспекторлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишининг ўзига хос хусусиятлари.

Калит сўзлар: Сиёсий ҳуқуқ, мурожаат, қонуний манфаатлар, ҳуқуқий маданият, жисмоний шахс, юридик шахс.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мустақамлаб қўйилган. Фуқароларнинг мазкур сиёсий ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади ва таъминланади.

Асосий қисм

Профилактика инспекторининг асосий вазифаларидан бири бу – жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳисобланади.

Профилактика инспектори қабулга келган фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ва агар у жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборот давлат органлари ходимлари томониданошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахс – фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқий муносабат иштирокчиси бўлган фуқаролар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар) дир.

Юридик шахс – фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг субъектлари ҳисобланувчи корхона, муассаса ва ташкилотлардир.

Жисмоний ва юридик шахслар давлат оргари ва мансабдор шахсларга 3 та турда: оғзаки, ёзма ва электрон шаклда мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Ўз навбатида мурожаатлар 3 турга бўлинади:

❖ Ариза – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисида илтимос баён этилган мурожаат.

❖ Таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

❖ Шикоят – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

Фуқароларни қабул қилиш чоғида профилактика инспекторлари юксак касбий ва инсоний фазилатларни намоён қилиши, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиши, эстетика қоидаларига риоя қилиши талаб этилади.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, қабулга келган шахснинг мурожаатига тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахслар профилактика инспекторига қуйидаги масалалар бўйича мурожаат қиладилар:

- ✓ Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақида;
- ✓ Жиноят ҳақида;
- ✓ профилактика инспекторининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан мурожаат қиладилар.

Профилактика инспектори фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларидаги маълумотлардан маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятларни фош этиш, қидирувдаги ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ва ўз хихмат фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиши мумкин.

Мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги қонуни билан кафолатланган ва шунга асосан таъминланади.

Профилактика инспекторлари жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш фаолиятида инсон, унинг ҳаёти, соғлиги унинг эркинлиги, кадр-қиммати энг олий қадрият эканлигини эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. Мурожаатларни қабул қилиш жараёнида амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари доирасида келиб тушган мурожаатларни ҳар томонлама синчковлик билан пухта ўрганишлари ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини таъминлашлари бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Хулоса

Бугунги кунда юртимизда аҳоли мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳал этилиши устидан назорат кучайтирилиб, раҳбарлар томонидан фуқароларни шахсан қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда эътиборсизлик, сансолорлик ва қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган ходимларга нисбатан кескин чоралар кўриш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Дарҳақиқат

фуқароларнинг ариза ва шикоятлари ҳал этилса. Аҳолининг амалдаги қонунларга, мурожаатларни кўриб чиққан давлат идорасига бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Раҳбарий адабиётлар:

- 1.1 Ўзб. Рес. Президенти Ш.М.Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.- Т., “Ўзбекистон” ,2016й 56-бет.
- 1.2 Ўзб. Рес. Президенти Ш.М.Мирзиёев “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Т., “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” ги Қонун.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни.